

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАЛМЕТОВА ФЕРУЗА ИСКАНДАРОВА**

**РЕАКТИВ АРТРИТДА ТОҒАЙНИНГ ОЛИГОМЕР**  
**МАТРИКС ОҚСИЛИ МИҚДОРИГА КЎРА БЎҒИМ СИНДРОМИНИНГ**  
**ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Халметова Феруза Искандаровна**

Реактив артритда тоғайнинг олигомер матрикс  
оксиди микдориға кўра бўғим синдромининг ўзига хослиги ..... 3

**Халметова Феруза Искандаровна**

Особенности суставного синдрома в зависимости  
от уровня матриксного белка хряща при реактивном артрите ..... 23

**Khalmetova Feruza Iskandarovna**

Features of articular syndrome depending on the level  
of cartilage matrix protein in reactive arthritis..... 43

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works ..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ХАЛМЕТОВА ФЕРУЗА ИСКАНДАРОВНА**

**РЕАКТИВ АРТРИТДА ТОҒАЙНИНГ ОЛИГОМЕР**  
**МАТРИКС ОҚСИЛИ МИҚДОРИГА КЎРА БЎҒИМ СИНДРОМИНИНГ**  
**ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1355 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедов Халмурад Садуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Каримов Маъриф Шакирович**  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**Абдуллаев Акбар Хатамович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А. Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Л.Т. Даминова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг кўпгина давлатларида бўғимларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари каторида реактив артрит (РеА) оқибатида касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлари ортиб бормоқда. Қатор олимларнинг изланишларида «...сўнгги ўттиз йил давомида РеА билан касалланиш кўрсаткичининг икки баробар ошиши кузатилиб, турли давлатлар аҳолиси ўртасида учраш даражаси 0,2%-0,68% ни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда РеАнинг ўртача 39 ёшли беморларда учраши, беморлар орасида аёллар улушининг 30% га ошиши...»<sup>1</sup> қайд этилган. РеА ревматологиянинг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб, кўп сонли илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилишига қарамасдан, ҳозирги давргача ушбу касалликнинг патогенези тўлиқ аниқланмаган.

Жаҳонда РеАни ташхислаш муаммоси ҳозирги давргача тўлиқ ҳал қилинмаган бўлиб, унинг эрта даврида аниқ ташхислашнинг ўзига хос томонларини амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада бўғим тоғайида деструкцияланиш механизмини янада аниқлаштириш, тоғайнинг олигомер матрикс оксиди (COMP-cartilage oligomeric matrix protein) миқдорининг ўзгариши негизида бўғим тоғайининг деструкцияланишини эрта даврларида унинг ўрнини аниқлаштириш, COMP миқдорини касалликнинг шакли, давомийлиги ва клиник кечишига кўра ўзгаришини аниқлаштириш, бўғим синдроми ва бўғим структурасидаги ўзгаришларни баҳолашда COMP ўрнини аниқлаштириш ҳамда касалликда эрта ривожланган тоғай деструкцияланишнинг авжланиб боришини олдини олишнинг асосий даво усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли орасида турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш ҳамда эрта

<sup>1</sup> Кундер Е.В. Реактивный артрит. // Медицинские новости. – 2015. – №11. – С. 8–13.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

ташхислашни янада такомиллаштириш, аҳоли орасида бўғим касалликларини камайтириш билан бир қаторда РеАни олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг ривожланган давлатларида бўлгани каби, сўнгги йилларда РеАни ўрганиш доирасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ревматологик бўлимларда даволанаётган беморларнинг 10% ни РеАга чалинган беморларни ташкил этади. Касалликнинг сурункали шаклларида бўғимларнинг функционал хусусиятларини сезиларли йўқотилиши ҳамда 42% ҳолатларда ногиронликка олиб келувчи оғир асоратларнинг ривожланиши кузатилган (Аҳо К. ва ҳаммуал., 2014). РеАга қизиқиш уйғонишига сабаблардан яна бири, бир қатор сурункали жараёнлар ривожланиб, беморларнинг бўғимларида деструктив жараёнлар, ҳаттоки анкилоз шаклланган (Ishikawa H. ва ҳаммуал., 2012).

СОМР кўп ҳолатларда тоғай тўқимасида аниқланади, кам миқдорда протеин боғлам, мениск ҳамда синовиал мембранада бўлади, бироқ тери ва ўпкада кузатилмаган. Тоғай зарарланиши билан кечадиган ҳолатларда матрикс протеини олдин синовиал суюқликка, сўнгра қонга тушади. Изланишлар натижаларига кўра, тоғай деструкциясини ташхислашда СОМР миқдорини аниқлаш рентгенологик текширув усулига нисбатан сезгирлиги исботланган (Алексеева Л.И., Тельшев К.А., 2020). Қонда СОМР ни пайдо бўлиши тоғай тўқимасида алмашинув жараёни бузилганлигидан далолат беради, яъни СОМР молекуласи тоғай тўқимаси турғунлигини таъминлайди, бунга кўра, уни қонда пайдо бўлиши тоғайда морфологик жихатдан яққол бузилишлар юзага келиши аниқланган (Стародубцева И.А., 2015). РеА кенг тарқалганлиги, бўғимларда деструктив жараёнларни ривожланишини эрта ахборотловчи самарадор мезонларнинг мавжуд эмаслиги ушбу муаммонинг долзарб эканлигини белгилаган (Киселева Н.М. ва ҳаммуал., 2000; Агабабова Э.Р. ва ҳаммуал., 2003).

Ўзбекистонда реактив артрит касаллигининг кечиш хусусиятлари, оғирлик даражасини башорат қилишда гаптоглобин фенотиплари, қон гуруҳларининг аҳамияти, ҳамда беморларда кузатиладиган иммунологик ўзгаришлар ва даволашда яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларнинг самараси (Мирахмедова Ҳ.Т., 2003; Хамрақулова Б.Т., 2008) аниқланган. Аммо РеА га чалинган беморларнинг бўғимларида иккиламчи остеоартритнинг шаклланишини эрта ташхислаш ва уни мақсадли даволаш чораларига йўналтирилган илмий изланишлар етарли эмас.

РеА га чалинган беморларнинг бўғим тоғайида эрта деструкциянинг ривожланиши ўз навбатида беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир этиши, айниқса навқирон ёшдаги инсонларнинг хасталаниши, уларнинг иш қобилиятининг пасайиши ва ногиронлик кўрсаткичининг ортиб бориши ханузгача долзарб муаммо сифатида намоён бўлмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасига № 011800229 сонли «Ички касалликлар ташхисоти ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. Профилактиканинг оқилона усуллари» (2019-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** реактив артритда бўғимдаги структуравий ўзгаришларни эрта аниқлашда тоғайнинг олигомер матрикс оксиленинг (СОМР) ўрнини ва эрта давонинг клиник самарадорлигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

РеАга чалинган беморларда касалликнинг кечиши ва оқибатини ретроспектив таҳлил қилиш;

РеАга чалинган беморларнинг қонида СОМР миқдорини касалликнинг шакли, давомийлиги ва клиник кечишига кўра ўзгаришини аниқлаш;

РеАга чалинган беморларда бўғим синдроми ҳамда бўғим структурасидаги ўзгаришларни аниқлашда СОМР ўрнини аниқлаш;

РеАда бўғим тоғайида эрта деструкцияланиш шаклланганда базис даво (БД) негизида уни тиклашга қаратилган давонинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонасида рўйхатдан ўтган РеАга чалинган 120 нафар беморларнинг проспектив ва 500 нафар беморларнинг касаллик тарихи ретроспектив маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вена қони ва зардоби, биокимёвий ва РеА ташхисотига доир тадқиқотлар материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида умумклиник (ВАШ бўйича бўғим синдроми динамикасини ва НАQ индекси орқали даволаш самарадорлигини баҳолаш), биокимёвий (тоғайнинг олигомер матрикс оксили), асбобий (бўғимларнинг ультратовуш текшируви, рентгенологик, магнит-резонансли томографияси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

реактив артритда бўғимлардаги яққол структур ўзгаришларнинг шаклланишида тоғайнинг эрта деструкцияланиш механизми ва унинг бўғим синдромини авжланишидаги ўрни асосланган;

реактив артритда бўғим тоғайида деструкция шаклланишининг эрта даври ва унда кичик (10% дан кам) бўлган дефект юзага келганда, тоғайнинг олигомер матрикс оксиленинг силжиши ва беморлар қон зардобида унинг миқдорини ҳаққоний ошиши исботланган;

реактив артритда тоғайнинг олигомер матрикс оксиленинг миқдори кенг чегараларда ўзгаришида касалликнинг урогенитал шакли (*Chlamydia trachomatis*) ва чўзилувчи кечишининг ўзига хослиги аниқланган;

реактив артритда бўғим тоғайида эрта деструкцияланиш шаклланганда базисли даво негизида уни тиклашга қаратилган давонинг аҳамияти ва бўғимдаги функционал имкониятларга ( $\Delta\text{HAQ} \geq 0,80$ ) ижобий таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

РеАга чалинган беморларнинг бўғимларидаги яққол структур ўзгаришларнинг шаклланишида тоғайнинг эрта деструкцияланишини ўрни баҳоланган;

бўғимлардаги яққол структур ўзгаришларни эрта ташхислаш имконини берувчи кўрсаткичлар таҳлилий жиҳатдан умумлаштирилган;

оилавий шифокорлар ва ревматологлар учун касалликнинг турли шакллари хамда кечиш хусусиятларини баҳолаш мезонлари шакллантирилган;

бўғим тоғайида эрта деструкцияланиш шаклланганда БД негизида уни тиклашга қаратилган давонинг аҳамияти ва бўғимдаги функционал имкониятлар тавсифланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, инструментал хамда статистик усуллари таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти РеАнинг клиник белгилари ва тоғайнинг олигомер матрикс оксиленинг миқдорий хамда хусусиятларига йўналтирилган ёндошув касалликни эрта ташхислашга имкон берувчи манба сифатида хизмат қилиши, шунингдек авж олишидаги хавф омиллари, тоғай деструкцияси ривожланишидаги аҳамияти хамда касалликни кечишида башорат бериш имконининг яратилиши билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти РеА да қон зардобиди СОМР миқдорининг ошишини аниқлаш билан бирга бўғим тоғайини тиклашга қаратилган усуллардан устивор томонлари эгаллиги беморларнинг эрта ногиронликни олдини олишга ва ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Реактив артритда бўғимдаги структуравий ўзгаришларни эрта аниқлашда тоғайнинг олигомер матрикс оксиленинг ва даволашнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Реактив артритда тоғайнинг эрта деструкциясини аниқлаш усули бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Реактив артритда тоғайнинг эрта деструкциясини аниқлаш усули» мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 8 н-д/199 – сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи ва иккиламчи бўғинида фаолият юритиб келаётган оилавий шифокор ва ревматологларга мўлжалланган бўлиб, ундаги тавсиялар реактив артритда бўғим тоғайида ривожланган деструкцияни эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Реактив артритда шаклланган тоғайнинг эрта деструкциясини даволаш усули бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Реактив артритда шаклланган тоғайнинг эрта деструкциясини даволаш усули» мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 8 н-д/199 – сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада берилган тавсиялар бўғим тоғайида шаклланган деструкциясини эрта даволаш негизида бўғим структурасида яққол ўзгаришларни олдини олиш имконини берган;

Реактив артритга чалинган беморларда тоғайнинг эрта деструкциясини ташхислаш ва уни даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонаси, Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани 38-оилавий поликлиникаси ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом ва Пайариқ тиббиёт бирлашмалари клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 3 августдаги 08-09/9497 – сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши йил давомида 67,3% га бўғимдаги муаммолар юзасидан реактив артритга чалинган беморларнинг шифокорга мурожаати камайиши ҳамда шифохонада даволаниш эҳтиёжи ва меҳнатга яроқсизлик кунларни қисқариши, моддий сарф-ҳаражатларнинг тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Реактив артритнинг замонавий талқини ва бўғим синдроми кечишида олигомер матрикс оксидининг ўрни**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда РеАнинг эпидемиологик ва этиопатогенетик хусусиятлари, патологик ва морфологик ўзгаришлар асосида тоғайнинг олигомер матрикс оксиди бўйича маълумотлар кенг ёритилган. РеАнинг ривожланишида хавф омилларининг аҳамияти ва таснифланиши, бўғим деструкциясига олиб келувчи омилларга алоҳида аҳамият берилган. Этиологик омиллар асосида клиник кечиш хусусиятлари, ташхислаш усулларининг ўзига хос томонлари, даволашдаги замонавий ёндошувлар, амалиётдаги камчиликлар ва муаммоларга эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Реактив артритга чалинган беморлар клиник материали ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, материал ва тадқиқот усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, умумий ва махсус текширув усуллари, текширув натижаларини статистик ҳисоблаш ва клиник материалнинг умумий белгилари келтирилган. РеАга чалинган беморларда бўғим деструкциясига олиб келувчи омиллар ва СОМРни аниқлаш мақсадида беморларда сўраб суриштириш, кўздан кечириш давомидаги аниқланган ўзгаришларни, бўғим деструкцияси даражасини, умумий клиник, биокимёвий, асбобий текширувлар ва қўлланилган дори воситалари таҳлилларини ўрганишга қаратилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида 2012-2020 йиллар давомида Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонасида даволанган 500 нафар беморнинг касаллик тарихлари ретроспектив таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи проспектив мақсадли клиник кўриги ва текшируви ҳамда кузатувга асосланиб, унга 18-50 ( $36,8 \pm 12,4$ ) ёшдаги, ўртача давомийлиги  $3,9 \pm 1,6$  йилни ташкил қилган тасодифий танланган 120 нафар

РеАга чалинган беморлар жалб қилинган. Улар РеАнинг этиологик омилларига кўра: I гуруҳ (n=82) - Chlamydia trachomatis этиологияли; II гуруҳ (n=20) – Yersinia enterocolitica этиологияли; III гуруҳ (n=18) – Campylobacter jejune этиологияли гуруҳларга тақсимланган. Назорат гуруҳига 20 нафар ўртача 37,4±6,3 ёшдаги кўнгилли соғлом шахслар таклиф қилинган ва улар ёши ҳамда жинси бўйича РеАга чалинган беморлар гуруҳлари билан мос келган.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида РеАга чалинган беморларнинг қон зардобида СОМР миқдорини даво негизида димакасини ўрганишга қаратилган. Бунинг учун тадқиқотга 18-49 (34,8±11,4) ёшдаги, касаллик давомийлиги 0,9±0,4 йилни ташкил қилган РеАга чалинган 60 нафар беморлар жалб қилинган. Текширувни амалга ошириш учун даволаш тактикасига кўра беморлар иккита гуруҳга тақсимланган: Назорат гуруҳини (n=30)–анъанавий усул, яъни базис даво (БД) негизида даволанган беморлардан иборат бўлди. Асосий гуруҳни (n=30) – тоғайда эрта деструкцияланиш юзага келганда БД негизида хондропротекторлар ва юкламасиз жисмоний машқлар терапияси (БД+ХП+ЖМТ) қўлланилган беморлар ташкил қилган.

РеА ташхиси Ревматологларнинг Америка Уюшмаси (ACR)/Европа ревматизмга қарши лигаси (EULAR) (2010 й) томонидан қабул қилинган асосий мезонларга асосланган ҳолда тасдиқланиб, триггер инфекция полимер занжирли реакцияси (ПЗР) ҳамда IgM ва IgG ларни аниқлашга қаратилган иммун-ферментли таҳлил (ИФТ) негизида аниқланган.

РеА кечиши ва фаоллигини баҳолашда визуал аналогли шкала (ВАШ), DAS (Disease Activity Score) ва яллиғланишнинг ўткир фаза кўрсаткичларидан фойдаланилган. Бўғимларнинг функционал имкониятини баҳолаш учун функционал синфлар (ФС) аниқланди, ҳамда функционал ҳолатини Стенфорд бўйича саломатликни баҳолаш сўровномаси (HAQ – Health Assessment Questionnaire) орқали амалга оширилди. Лаборатория текшируви умумий клиник ва биокимёвий қон таҳлилларини ўз ичига олган бўлиб, барча беморларда бўғимларни рентгенологик текшируви ўтказилган.

Тадқиқотга жалб этилган беморларда тизза бўғими тоғайдаги шакланган дефектлар ва деструкцияларни аниқлашда МРТ (магнит резонанс томографияси) ёрдамида ўрганилди. Ундан олинган маълумотлар асосида тоғай картографияси шакллантирилди ва таҳлил учун BLOKS/ MOAKS бўйича ҳисоблаш тизимидан фойдаланилган.


Тоғайнинг олигомер матрикс оксили (СОМР) даражаси иммунофермент таҳлил усули (ELISA, Россия) ёрдамида ўрганилган.

Олинган натижаларга статистик ишлов беришда STATISTICA StatSoft, 6,1–8,0 дастурий пакетидан фойдалиниди. Корреляцион таҳлилда Пирсоннинг корреляция даражаси ( $r$ ) ёки Спирмен бўйича унвонли корреляция ишлатилди.

Диссертациянинг «**Реактив артритнинг шаклларида кўра бўғим синдромининг ўзига хослиги**» деб номланган учинчи бобида РеА билан

касаланган беморларда мазкур касалликнинг кечиш хусусиятлари, хавф омилларига оид натижалари келтирилган.

Таҳлил учун олинган касаллик тарихлари маълумотларига кўра РеАга чалинган беморлар касалликнинг клиник шакли асосида икки гуруҳга яъни биринчи гуруҳ – 311 (62,2%) нафар беморларда касалликнинг урогенитал шакли ва иккинчи гуруҳ - 189 (37,8%) нафар беморларда постэнтероколитик шаклидаги гуруҳи фарқланиб, беморларнинг ўртача ёши  $36,76 \pm 2,37$  ни ташкил этган. РеА касаллигининг клиник кечувидаги аҳамияти бўйича хусусий текширув кўрсаткичлари асосида (1-расм) гендер хусусиятлари кўрсатилган.



### 1-расм. РеАга чалинган беморларнинг жинсига кўра тақсимланиши

РеА нинг жинсига кўра таҳлил натижалари касалликнинг шаклига кўра маълум фарқликлар борлигидан далолат берган. Бунда мазкур касалликнинг урогенитал шакли эркекларда (60,8%), постэнтероколитик шакл эса аксинча аёлларда (52,9%) кўпроқ кузатилиши аниқланди.


Касаллик анамнезидаги маълумотлар таҳлиliga асосан, илк белгиларнинг пайдо бўлиши билан ушбу ташхис қўйилгунча бўлган ўртача давр  $4,5 \pm 1,21$  ойдан иборат бўлган. Бу давр мобайнида беморлар дастлабки турли хил мутахассисларга хусусан, касалликнинг урогенитал шаклида беморлар илк бор терапия йўналишидаги мутахассисларга эмас балки 55 (17,6%) нафари урологга, 36 (11,5%) нафари гинекологга, 22 (7,1%) нафари окулистга ва 7 (2,3%) нафари дерматологга мурожаат қилиши аниқланган. Ўз навбатида, касалликнинг постэнтероколитик шаклидаги беморлар дастлабки белгилар пайдо бўлганда 52 (27,5%) нафари инфекционистга, 14 (7,5%) нафари окулистга ва 6 (3,1%) нафари дерматологга мурожаати аниқланган.

Этиологик шакли асосида касалликнинг клиник белгиларнинг учраш даражасининг тавсифланишида (2-расм) ўзига хос кечиш хусусиятлари ажратилган. РеАнинг урогенитал шакли дебютида 61,3% бўғим синдроми, қолган 38,7% ҳолатда бошқа белгилар, яъни уретрит, хайз цикли бузилиши, конъюнктивит ва тошмалар каби илк белгилар беморларда кузатилган. РеА


постэнтероколитик шакли дебютида эса 29,1% ҳолатда бўғим синдроми, қолган 70,9% ҳолатда бошқа белгилар, яъни энтероколит белгилари, конъюнктивит ва тошмалар каби илк белгилар беморларда аниқланган.

Келтирилган анамнестик маълумотлар тахлили беморларда касалликнинг клиник кечишининг барча ҳолатлари, яъни ўткир, чўзилувчи, сурункали ва қайталаниб кечишларининг учрашидан далолат берди. РеАнинг урогенитал шаклида чўзилувчи кечиши (42,1%) устунлик қилган бўлса, постэнтероколитик шаклида эса ўткир кечиши (57,2%) устунлиги кузатилди.

РеАда бўғимдаги рентгенологик текширувда аниқланган ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали ундаги структурали бузилишларга баҳо бериш (3-расм), касаллик шаклига кўра тақсимланишини натижалари, улар орасида фарқликлар борлигидан далолат берди.



**2-расм. РеАга чалинган беморларда дастлабки клиник белгилар**




**3-расм. Реактив артритга чалинган беморларнинг тизза бўғими рентгенологик белгилари**

Тизза бўғими рентгенограммасида деярли барча беморларда, яъни 97,1% ҳолатларда эпифизар остеопороз кузатилган бўлиб, 37,4% ҳолатларда остео-нақшланиш, яъни эрозив артрит аниқланган ва 21,9% беморларда кистозли ўзгаришлар юзага келганлиги кўринган. Ўз навбатида, РеАга чалинган беморларнинг 1/3 улушида иккиламчи остеоартрит аниқланган. Бунда 39,9% ҳолатда остеоосклероз ва 24,1% беморларда остеофитоз кузатилган. Шу билан бир қаторда, РеАга хос бўлган белгилардан бири периостит 92,8% беморларда учраган. Мазкур рентгенологик ўзгаришларнинг касаллик шаклига кўра тақсимланишини таҳлил қилиш улар орасида фарқликлар борлигидан далолат берди.

Проспектив таҳлилга жалб қилинган РеАга чалинган 120 нафар беморларнинг асосий улушини 31-40 ёшдагилар, яъни 45,8% ни ташкил қилиб, мазкур касалликнинг дастлабки клиник кўриниши юзага келганда беморларнинг ўртача ёши  $30,1 \pm 4,5$  бўлган. РеАнинг дастлабки клиник белгиларнинг пайдо бўлиши билан шу касаллик ташҳиси кўйилгунча бўлган ўртача давр  $3,7 \pm 1,8$  ойдан иборат бўлди.

Этиологик омилларига кўра тақсимланган учта гуруҳда РеАнинг клиник кечиши (4-расм) ўзига хос фарқликлар кузатилган. I гуруҳда, яъни касалликнинг урогенитал шаклида (*Chlamydia trachomatis*) чўзилувчи кечиши устунлик қилган ва у ишонarli даражада бошқалардан фарқланган, яъни 33 нафар (40,2%;  $p < 0,05$ ) беморда учраган. Қолаверса, ушбу гуруҳда РеАнинг қайталаниши ҳам ўз аксини топиб, 27 нафар (32,9%;  $p < 0,05$ ) беморда аниқланган.



**4-расм. Реактив артритни триггер омилларга кўра клиник кечиши**

Ўз навбатида, касалликнинг ўткир кечиши касалликнинг постэнтероколитик шаклида устунлик қилиб, урогенитал шаклидан ишончли даражада ( $p < 0,05$ ) фарқланган. II гуруҳда (*Yersinia enterocolitica*) 60% ва III гуруҳда (*Campylobacter jejune*) эса 55,6% ҳолатда учраган. Касалликнинг сурункали кечиши юзасидан гуруҳлар орасида статистик аҳамиятга эга бўлган фарқликлар бўлмаган.

Бўғим синдроми юзасидан қилинган тахлилга кўра (1-жадвал) гуруҳлар ўртасида маълум тафовутлар мавжудлигидан далолат берди.

Бўғим синдроминаинг тавсифланишида II ва III гуруҳ беморларида асосан битта бўғимни зарарланиши, яъни моноартрит кузатилган, I гуруҳда эса айнан олигоартрит устунлик қилган ва 67,1%ни ташкил қилган. Шу билан бир қаторда, РеАнинг урогенитал шаклида спондилитнинг клиник ва рентгенологик кўриниши 68,3% беморларда аниқланиб, бу кўрсаткич қолган иккита гуруҳдан ҳаққоний ( $p < 0,05$ ) фарқланган.

Ўз навбатида, I гуруҳга нисбатан II ва III гуруҳ беморларида дактилит деярли икки баробар кўп учраган. Шу ўринда айтиш жоизки, 100% ҳолларда барча гуруҳ беморларида синовит турли даражадаги кўринишда кузатилган ҳамда у яккаланган ва айрим пайтларда бурсит ёки тендинит шакллардаги периартрит билан бирга кечган. I гуруҳ беморларида бўғимда кузатиладиган эрталабки қарахтлик давомийлиги ва яллиғланган бўғимлар сони ҳамда яллиғланишнинг ўткир фаза кўрсаткичлари бошқа гуруҳларга нисбатан ишончли фарқланиши ва яққоллиги бўғимларни функционал имконияларини чегараланиш даражасига ўз таъсирини кўрсатган. Бунда, бўғимлар функционал етишмовчилигини II ва III даражалари II гуруҳ беморларида умумий 40%, III гуруҳ беморларида 50%ни ташкил қилган бўлса, I гуруҳ беморларида умумий 79,3% дан иборат бўлди.

**1-жадвал**


**РеА чалинган беморларнинг клиник кўриниши**

| Белгилар                                    | I гуруҳ<br>(n=82) |      | II гуруҳ<br>(n=20) |    | III гуруҳ<br>(n=18) |      |
|---|-------------------|------|--------------------|----|---------------------|------|
|   | Абс.              | %    | Абс.               | %  | Абс.                | %    |
| Бўғим синдроми                              |                   |      |                    |    |                     |      |
| Моноартрит                                  | 6                 | 7,3  | 11                 | 55 | 9                   | 50   |
| Олигоартрит                                 | 55                | 67,1 | 7                  | 35 | 7                   | 38,9 |
| Полиартрит                                  | 21                | 25,6 | 2                  | 10 | 2                   | 11,1 |
| Сакроилеит                                  | 73                | 89,0 | 17                 | 85 | 11                  | 61,1 |
| Спондилит                                   | 56                | 68,3 | 3                  | 15 | 3                   | 16,7 |
| Дактилит                                    | 10                | 12,2 | 4                  | 20 | 4                   | 22,2 |
| Бўғимлар функционал етишмовчилиги           |                   |      |                    |    |                     |      |
| I синф                                      | 17                | 20,7 | 12                 | 60 | 9                   | 50   |
| II синф                                     | 39                | 47,6 | 5                  | 25 | 7                   | 38,9 |
| III синф                                    | 26                | 31,7 | 3                  | 15 | 2                   | 11,1 |
| Бўғим индекслари ва лаборатор кўрсаткичлари |                   |      |                    |    |                     |      |
| Эрталабки қарахтлик, дақиқа                 | 31,3±5,9*#        |      | 19,1±2,1           |    | 17,3±5,5            |      |
| Оғрик, ВАШ, мм                              | 79,5±12,8         |      | 67,5±12,8          |    | 53,5±11,4           |      |

|                       |           |          |          |
|-----------------------|-----------|----------|----------|
| Оғриқли бўғимлар сони | 8,2±3,7*# | 4,1±0,7  | 4,1±0,7  |
| Шишган бўғимлар сони  | 5,6±0,6*# | 2,5±2,6  | 2,1±0,9  |
| С-реактив оксил, мг/л | 19,8±3,9# | 12,8±1,9 | 11,8±1,7 |
| ЭЧТ, мм/с             | 25,3±3,9  | 18,3±3,6 | 19,3±5,5 |

Изох. \* ва # –  $p < 0,05$ , бунда тадқиқотдаги кўрсаткичлар ўртасидаги статистик ишончли тафовутлар: \* - I ва II гуруҳлараро  $p < 0,05$ ; # - I ва III гуруҳлараро.

РеАда бўғимдаги ўзига хос рентгенологик кўринишлар ичида тоғайда эрта ўзгаришларни аниқлаш имкони бўлмаганда, нисбий белгиларни ёки предиктор сифатида хизмат қилувчи омилларни фарқлаб олиш ҳам диагностик аҳамиятли бўлиши мумкин. Шунинг учун беморларда тизза бўғими тўғри ва ён рентгенографияси тахлилига (5-расм) эътибор берилиб, унинг ёрдамида аниқланган белгилар ҳисобида кўринишларга фарқланиб чиқилди. Бунда рентгенологик ўзгаришларнинг ўзаро кўшилиб келиши бўйича 5 та вариантдаги рентгенологик кўринишга эга бўлди.



### 5-расм. РеАга чалинган беморларда тизза бўғими рентгенографиясидаги кўринишлар

Таҳлил натижаларига кўра тизза бўғими яллиғланиши атрофида юмшоқ тўқима ва энтезис шиши билан келган рентгенологик белгилар, яъни I кўриниш 30,8% беморда учраган. II кўриниш юмшоқ тўқима ва энтезис шиши билан бир бирга тирқиш торайиши кузатилган бўлиб, у 32,5% беморда аниқланган. Ўз навбатида, III кўриниш юқоридаги кўрсатилган белгиларга нақшланиш (эрозия) қўшилган ва бу 15,8% беморда ўз аксини топган.

Айтиш жоизки, IV кўринишда энтезисдаги шиш кузатилмаган бўлиб, бунда тизза бўғими яллиғланиши атрофида юмшоқ тўқима шиши, тирқиш торайиши ва нақшланиш аниқланган ва уларга суяк пролиферацияси қўшилиши билан юқоридаги кўрсатилган рентгенологик кўринишлардан фарқланган. Бу 9,2% ҳолатда учраган. V кўриниш эса юмшоқ тўқима ва



энтезисни шиши, тирқиш торайиши, нақшланиш, суяк пролиферация каби белгиларга остеосклероз ва остеофитоз мавжудлиги билан фаркланиб турди ва 11,7% беморларда кузатилди.

Тадқиқот натижалари РеАга чалинган беморларда касалликни клиник кўриниши гетерогенлиги билан тавсифланишидан, касалликнинг клиник манзараси ва бўғим синдроми уни келтириб чиқарувчи триггер омилларга, яъни унинг клиник шаклларига кўра бир катор ўзига хос бўлган кўринишларга эгалигидан далолат берди. Бунда РеАга жалб қилинган беморларда тизза бўғими рентгенологик ва визуализация текширувдаги ўзгаришлар унинг урогенитал шакли бўғимдаги яққол структурали ўзгаришлар билан кечиши аниқланди. Мазкур касалликнинг урогенитал шаклида (*Chlamydia trachomatis*) бўғимларнинг яққол структуравий ўзгаришлари авжланиб борди ҳамда касалликнинг эрта даврларидан 33,3% ҳолатда иккиламчи остеоартрит (ОА) шаклланди.

Диссертациянинг «**Реактив артритда бўғим синдромидаги ўзгаришларида тоғайнинг олигомер матрикс оксиди (СОМР)**» деб номланган тўртинчи бобида РеА чалинган беморларда тоғай олигомер матрикс оксиди (СОМР) кўрсаткичлари, касалликнинг клиник кечиши ва давомийлигига кўра ўзгариши, тоғайни эрта деструкциясини аниқлашда СОМР сезувчанлигини баҳолаш ҳамда даволашнинг клиник самарадорлигига оид натижалар кўрсатилган.


РеАда кузатиладиган иммунологик жараёнлар негизда бўғимдаги синовийни яллиғланиши ва фиброзланиши ҳамда унинг фаолиятини бузилиши, тегишли суяклар юзасида эрозия ва бўғим дисконгруэнтлигига олиб келиш эҳтимоли натижасида бундай трансформациядаги ўзгаришлар тоғайнинг морфологик субстратининг хусусиятларини ўзгартириши мумкин. РеАга чалинган беморларда бўғим тоғайи деструкциясини эрта аниқлаш, унга тиклашга қаратилган даवони эрта бошлашга туртки бўлиб, тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг қон зардобиди СОМР миқдори ўрганилди.

Тадқиқот натижаларга кўра, беморларда СОМР миқдори кенг чегараларда ўзгариб туриши аниқланган бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан РеАга чалинган барча учала гуруҳдаги беморлар, яъни эркак ва аёлларда СОМР миқдори умумий кўрсаткичи кўпайишга мойиллик бўлган, лекин статистик ишончли ( $p>0,05$ ) аҳамиятга эга бўлмаган. Бунда соғлом эркакларда унинг миқдори  $814,7\pm 52,2$  нг/мл.ни ташкил қилган бўлса, бемор эркакларда бу кўрсаткич  $1343,2\pm 1101,2$  нг/мл.гача ( $p>0,05$ ) ошган. Ўз навбатида, соғлом аёлларда СОМР  $912,2\pm 112,2$  нг/мл. миқдорда аниқланган ва бемор аёлларда у  $1359,2\pm 1002,8$  нг/мл.гача ( $p>0,05$ ) кўтарилган.


Шу ўринда кўрсатиш лозимки, учта гуруҳлар ўртасида СОМР миқдори юзасидан фарқликлар аниқланган. СОМРнинг референс кўрсаткичлари ошганларнинг ( $1000$  нг/мл $>$ ) улуши I гуруҳда 53,3%ни ташкил қилган. Ўз навбатида, II гуруҳда 20 % ва III гуруҳ беморларида эса 13,3% беморларда СОМРнинг референс кўрсаткичларига нисбатан ошган (6-расм).

Ўтказилган корреляцион таҳлил натижаларга кўра, РеАга чалинган беморлар қон зардобиди СОМР миқдорини ўзгариб бориши, яъни бўғим

тоғайини деструкцияланиш даражаси касалликнинг клиник кечишига таъсир кўрсатди (7-расм). СОМР миқдорини силжишлари касаллик фаоллигига таъсир қилади, яъни, унинг миқдорини ортиб бориши негизда DAS28 индекси (I гуруҳ  $r=0,62$ ;  $p<0,05$ ) салбий ўзгариб борди. Қолаверса, бунинг натижасида BASDAI ва HAQ индекслари (I гуруҳ  $r=0,71$  ва  $0,65$  мос равишда;  $p<0,05$ ) яққол ўзгарди, яъни бўғим функционал имконияти камайиши кузатилди.



**6-расм. РеАга чалинган беморлар ичида СОМР миқдори ошганлар улуши**













**7-расм. СОМР миқдори силжишларини касаллик фаоллиги ва бўғим фаолияти билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги.**

ВАНинг СОМРнинг миқдори билан корреляцион боғлиқлиги II ва III гуруҳларда ( $r=-0,19$  ва  $r=-0,14$  мос равишда) тескари манфий кўринишда ўз аксини топган бўлса, I гуруҳда эса корреляция аксинча тўғри мусбат боғлиқликга (I гуруҳ  $r=0,55$ ;  $p<0,05$ ) айланди.

COMP миқдори тоғайнинг эрта деструкциясини аниқлашдаги ўрни, яъни унинг сезувчанлик даражасини тизза бўғими МРТси тахлили орқали амалга оширилди. МРТда аниқланган тасвирларни тоғай картографияси (2-жадвал) изоҳида BLOKS/МОАКС бўйича ҳисоблаш тизимидан фойдаланиб, ундаги тоғай графигидаги дефект ва унинг хажмини йўқолиб бориши инobatга олинди.

## 2-жадвал

### COMP ни РеА чалинган беморларнинг тизза бўғими МРТ орқали BLOKS/МОАКС бўйича ҳисоблаш тизимининг кўрсаткичлари ва рентгендаги ўзгаришлар билан қиёслаш (n=120)

| Тоғай картографияси   | МРТда тоғайдаги ўзгаришлар                           |     |      | ↑COMP улуши % | R° белгилар борлиги % |
|---|--|-----|------|---------------|-----------------------|
|    | Тўлиқ йўқолган жойлари: йўқ;<br>Дефектлар – йўқ      | абс | 64   | 0             | 0                     |
|   |  | %   | 53,3 |               |                       |
|    | Тўлиқ йўқолган жойлари: йўқ;<br>Дефектлар: <10%      | абс | 11   | 90,9          | 0                     |
|   |  | %   | 9,2  |               |                       |
|  | Тўлиқ йўқолган жойлари: <10%;<br>Дефектлар: <10%     | абс | 9    | 100           | 0                     |
|   |  | %   | 7,5  |               |                       |
|  | Тўлиқ йўқолган жойлари: йўқ;<br>Дефектлар: – 10–75%  | абс | 8    | 87,5          | 0                     |
|   |  | %   | 6,7  |               |                       |
|  | Тўлиқ йўқолган жойлари: <10%;<br>Дефектлар: 10–75%   | абс | 8    | 100           | 37,5                  |
|   |  | %   | 6,7  |               |                       |
|  | Тўлиқ йўқолган жойлари: 10-75%;<br>Дефектлар: 10–75% | абс | 6    | 100           | 50                    |
|   |  | %   | 5    |               |                       |
|  | Тўлиқ йўқолган жойлари: йўқ;<br>Дефектлар: >75%      | абс | 6    | 100           | 33,3                  |
|   |  | %   | 5    |               |                       |
|  | Тўлиқ йўқолган жойлари: <10%;<br>Дефектлар: >75%     | абс | 4    | 100           | 33,3                  |
|   |  | %   | 3,3  |               |                       |
|  | Тўлиқ йўқолган жойлари: 10–75%;<br>Дефектлар: >75%   | абс | 3    | 100           | 75                    |
|   |  | %   | 2,5  |               |                       |
|  | Тўлиқ йўқолган жойлари: >75%;<br>Дефектлар: >75%     | абс | 2    | 100           | 100                   |
|   |  | %   | 1,7  |               |                       |

Изоҳ: Картографияда: ҳаво рангдаги шакл – тоғай; қизил рангли чизик - тоғайдаги тўлиқ йўқолган жойлар ўлчами; кул рангли чизик – тоғайдаги дефект ўлчами.

МРТ ёрдамида қилинган тоғай картографиясида тадқиқотга жалб қилинган РеАга чалинган беморлар ичидан 53,3% улушида анатомик ўзгаришлар кузатилмаган. BLOKS/МОАКС бўйича ҳисоблаш тизими қолган

46,3% беморларда тоғайнинг турли даражадаги деструкцияланишидан далолат берди. Бунда тизза бўғими тоғайнинг тўлиқ йўқолган жойлари <10% ёки кузатилмаган вазиятда ҳамда тоғай хажмининг 10-75% бўлган дефекти кузатилган беморларда атиги 37,5% да тизза бўғимини анъанавий рентгенограммасида tibia суягининг пастки қисмини ўткирланиши ёки остеосклероз ёки бўғим тирқишини озроқ торайиши аниқланган.

Шу ўринда айтиш жоизки, тоғайнинг тўлиқ йўқолган жойлари кузатилмаган, лекин унда 10% дан кам бўлган хажмдаги дефект вазиятда СОМРнинг сезувчанлиги 90,9%дан иборат бўлди. Кўрсаткичлардан таҳлил қилиш мумкинки, тизза бўғими тоғайнинг тўлиқ йўқолган жойлари <75% ва тоғай хажмининг 75%гача бўлган дефектларда тизза бўғими рентгенографияси сезувчанлиги камлиги билан фарқланиб турди, яъни у 33,3-75%ни ташкил қилди. Ўз навбатида, ушбу беморларда СОМРнинг сезувчанлиги 100% билан фарқланди.

Шундай қилиб, РеАда турли рентгенологик кўринишдаги ўзгаришлар гетерогенлиги билан тавсифланиб, у тоғайнинг эрта деструкцияланишни аниқлашда паст сезувчанлик даражасига эга. Ўз навбатида, МРТ орқали олинган белгиларнинг таҳлилига кўра, тоғайнинг суякка нисбатан жойлашув майдонининг ҳажми йўқолмаган даврида ва унда 10% дан кам бўлган хажмда дефект юзага келганда СОМР миқдори ошиши кузатилди ва бу 90,9% сезувчанлик жиҳатдан устунлиги билан фарқланди.

РеАга чалинган беморларда қон зардобидаги СОМРнинг ошган вазияти, яъни бўғим тоғайида эрта деструкцияланиш жараёни аниқланганда анъанавий даво негизида уни тикланишига қаратилган давони самарадорлигини ўрганилди. Асосий (БД+хондропротекторлар (ХП)+жисмоний машқлар терапияси (ЖМТ), n=30) ва назорат (БД, n=30) гуруҳлардаги беморлар клиник кўриниши маълумотлари тавсифланди.

Беморларга қўлланилган даво усули негизида уларнинг қон зардобидаги СОМР миқдорини динамикаси доирасида (3-жадвал) кузатув натижаларига кўра, унинг миқдорини камайтириш орқали касалликнинг клиник яхшиланиши ва унинг турғунлигига эришилган. Асосий гуруҳда СОМР миқдори амалга оширилган ёндошув асосида 3-ой якунидан бошлаб ишонарли даражада ( $p < 0,05$ ) камайиши кузатилган, назорат гуруҳида эса 6-ой якунига келганда унинг фақат статистик аҳамиятга эга бўлмаган ( $p > 0,05$ ) камайишига мойиллик бўлди. Даволаниш жараёнида БД+ХП+ЖМТ қўлланилган беморларда тизза бўғимларида ижобий динамика кузатилди. Шунингдек, яллиғланиш ўткир фаза кўрсаткичлари ҳам маълум ўзгаришларга эга бўлиб, гуруҳлар орасида биринчи 3 ой давомида фарқлик кузатилмади, лекин асосий гуруҳда кўрсаткичлар ишонарли даражада кейинги ойларда камайиши сақланиб қолинди.

**3-жадвал**

**СОМР миқдорининг динамикаси**

| <b>Кўрсаткич</b> | <b>Текширилган вақт</b> | <b>Назорат гуруҳи (n=30)</b> | <b>Асосий гуруҳ (n=30)</b> |
|------------------|-------------------------|------------------------------|----------------------------|
|------------------|-------------------------|------------------------------|----------------------------|


|              |            |              |              |
|--------------|------------|--------------|--------------|
| СОМР (нг/мл) | Даво олди  | 2082,1±98,4  | 2109,2±92,3  |
|              | 3-ой якуни | 1894,7±178,6 | 1393,4±79,9* |
|              | 6-ой якуни | 1402,2±102,7 | 967,5±83,1** |

Изоҳ: ишонарлик даражаси \* $p < 0,05$ , \*\* $p < 0,01$ , даво олди кўрсаткичларга нисбатан.

Ўз навбатида, АСР мезони доирасида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ўтказилган БД+ХП+ЖМТ орқали бўғимдаги структур ўзгаришларнинг авжланишини сўндириш клиник ремиссияни таъминлашда муҳим ўринни эгаллайди. АСР доирасидаги 50% яхшиланишни ўрганиш юзасидан олинган натижалар кўрсатишича (8-расм), даволаш негизида текширувнинг 4-ойи якунигача гуруҳлар ўртасида фарқликлар кузатилмади.

Лекин, даволашнинг кейинги 5- ва 6-ойига келиб гуруҳлар орасида фарқланиш ( $p < 0,05$ ) кузатилган. Бунда АСР 50 доирасида клиник яхшиланиш 5-ой якунида асосий гуруҳда 63,7% беморларда аниқланган бўлса, назорат гуруҳида эса 43,3% ни ташкил қилган. Ўз навбатида, текширувнинг 6-ойи якунида БД+ХП+ЖМТ негизида 73,3% АСР 50 яхшиланиш кузатилган бўлса, БД да 46,7% дан иборат бўлди. РеАга чалинган беморларда бўғим тоғайида эрта деструкцияланиш шаклланганда БД+ХП+ЖМТ қўлланилиши БД га нисбатан клиник яхшиланишни 26,6% га ( $\Delta$  АСР 50) ўсишига олиб келди.

Қўлланилган давонинг бўғимлар функционал фаолиятига таъсирининг тахлили, гуруҳлар ўртасида самардорлик бўйича фарқликлар борлигидан далолат берди. Олинган натижаларга кўра, бўғимлар фаолиятининг  $36 \leq \Delta \text{НАQ} < 0,80$  (кониқарли самара) доирасидаги яхшиланиши кузатувнинг 3-ойига келиб иккала гуруҳда ҳам беморларнинг 1/5 улушида аниқланди. Ўз навбатида, яққол яхшиланиш ( $\Delta \text{НАQ} \geq 0,80$ ) иккала гуруҳдаги ишонарли даражадаги ( $p < 0,05$ ) фарқланиш кузатувнинг 6-ой якунида кузатилган бўлиб,  $\Delta \text{НАQ} \geq 0,80$  доирасидаги яққол самара асосий гуруҳда 63,3% беморларда кузатилган бўлса, назорат гуруҳида 33,3% ҳолатда ўз аксини топди.



## 8-расм. РеАга чалинган беморларда даво негизда АСР 50 мезони доирасидаги динамикаси

### ХУЛОСАЛАР

«Реактив артритда тоғайнинг олигомер матрикс оксили миқдорига кўра бўғим синдромининг ўзига хослиги» мавзусидаги тиббиёт фани диссертацияси доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган изланишлар асосида куйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. РеАнинг клиник манзараси турли туманлиги билан характерланиб, айниқса унинг уrogenитал шакли (*Chlamydia trachomatis*) ва чўзилувчи кечиши бўғим синдромини агрессивлиги билан фарқланиб, касалликнинг дастлабки йилларидан 64,6% ҳолатда бўғим тоғайининг деструкцияси кузатилади.

2. РеАнинг уrogenитал шаклида (*Chlamydia trachomatis*) бўғимларнинг яққол структуравий ўзгаришлари авжланиб боради ҳамда касалликнинг эрта даврларидан 33,3% ҳолатда иккиламчи ОА шаклланади. Касаллик негизда тизза бўғими тоғайини минимал дефектидан то унинг тегишли суякка нисбатан жойлашув майдонининг тўлиқ йўқотилишигача кузатилади.

3. РеАда тоғайининг олигомер матрикс оксилнинг (СОМР) миқдори кенг чегараларда ўзгариб туриши касалликнинг этиологик омили, кечиши ва давомийлигига боғлиқ бўлиб, уrogenитал шаклининг (*Chlamydia trachomatis*) сурункали ва айниқса чўзилувчи кечишида СОМР миқдорини касалликнинг постэнтероколитик шаклига нисбатан кескин ошиши билан фарқланади.

4. РеАнинг фаоллигини ортиб бориши ва тизимли яллиғланиш жараёни бўғим тоғайини деструкцияланишини зўрайишига, яъни СОМР миқдорини кенг доирада силжишларига олиб келади ва бунинг негизда бўғимдаги структурали ўзгаришлар кучайиб боради.

5. РеАга чалинган беморларда тизза бўғими тоғайининг суякка нисбатан жойлашув майдонининг хажми йўқолмаган вазиятда, лекин унда 10% хажмдан кам бўлган дефект юзага келиши 90,9% ҳолатда СОМР миқдорининг ошишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, бўғимга тегишли суякларда эрозияланиш юзага келиши тоғайининг эрта деструкцияланишига олиб келади ва бу СОМР миқдорининг ошиши билан бирга кечади.

6. РеАда бўғим тоғайида эрта деструкцияланиш шакланганда унга базисли даво негизда уни тиклашга қаратилган давони (БД+ХП+ЖМТ) қўлланилиши касалликнинг клиник яхшиланишини 26,6% га ( $\Delta$  АСР 50) ўсишига олиб келади. Бунда тоғайида парчаланиш жараёнларининг зўрайишини сўниши ва бу бўғимдаги функционал имкониятларнинг 30 % га яхшилашга ( $\Delta$ НАQ $\geq$ 0,80) имкон яратади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**ХАЛМЕТОВА ФЕРУЗА ИСКАНДАРОВНА**

**ОСОБЕННОСТИ СУСТАВНОГО СИНДРОМА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ  
УРОВНЯ МАТРИКСНОГО БЕЛКА ХРЯЦА ПРИ  
РЕАКТИВНОМ АРТРИТЕ**

**14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**



**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1355**

Диссертация выполнена в Ташкентском медицинском академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Ахмедов Халмурад Садуллаевич  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:** Каримов Маъриф Шакирович  
доктор медицинских наук, профессор

Абдуллаев Акбар Хатамович  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** Самаркандский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, Ташкент, улица Фаробий, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован за № \_\_\_\_\_). Адрес: 100109, Ташкент, улица Фаробий, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**А.Г. Гадаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А.Набиева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Л.Т. Даминова**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во многих странах мира наряду с хроническими воспалительными заболеваниями суставов растет заболеваемость и инвалидность вследствие реактивного артрита (РеА). Согласно исследованиям ряда ученых, «...заболеваемость РеА удвоилась за последние тридцать лет с уровнем распространенности 0,2%-0,68% среди населения разных стран. В развитых странах средняя заболеваемость РеА у пациентов в возрасте 39 лет, увеличение доли женщин среди пациентов на 30%...»<sup>1</sup>. РеА - одна из самых сложных проблем ревматологии, и несмотря на многочисленные исследования, патогенез этого заболевания до сих пор полностью не выяснен.

